

## ҲАМКАСБИМИЗ ФАЗИЛАТЛАР СОХИБИ

Ёш авлоднинг маънавий юксалишида ўз ҳиссасини қўшаётган, кутубхоначилик ишига ўзининг бутун билим ва имкониятларини бахшида этган, кутубхона зиё маскани эканлигини кенг омма онгига чуқур сингдиришда намуна кўрсатаётган фидойи ҳамкассим – Тошкент шаҳар «Bilim» ахборот-кутубхона марказининг бўлим мудири Муратова Винера Қудузовна ҳақида ҳикоя қилмоқчиман.



**ШАҲС ВА ДАВР** Винера 1992 йилда Тошкент давлат маданият институтини муваффақиятли тамомлагач, Тошкент шаҳридаги Марказлашган болалар кутубхона тизимининг услугият-библиография бўлимига услугиятчи лавозимига ишга қабул қилинади. 1999 йилда бу тизимнинг тарқатилиши муносабати билан у Тошкент шаҳар «Bilim» илмий-универсал кутубхонасининг услугият-библиография бўлимига услугиятчи лавозимига ишга ўтади.

2000 йилда ташкилотчилиги, ўз устида изланиши китобхонларга, ходимларга бўлган хушмуомалалигини ҳисобга олиб, Муратовани фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими бош кутубхоначиси лавозимига ўтказиши. Винера табиатдан дилкаш бўлганлиги туфайли ҳар бир китобхон кўнглига йўл топар, уларнинг қизиқишлирини тинимсиз ўрганар, ахборотга бўлган талабини бажаришга ҳаракат қилас, китоб, журнал ёки мақола ҳақида содда тилда ҳикоя қилиб берар эди.

Шу тариқа Винера фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлимида қарийб 10 йил меҳнат қилиб, сўнгра Ахборот-библиография бўлимига ишга ўтгач, библиография соҳасининг мутахассиси сифатида танилди ва ҳозирги кунга қадар шу бўлимда мудирлик вазифасигача бўлган йўлни босиб ўтиб, самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Винера Қудузовна ўзига ва ўзгаларга нисбатдан

ўта талабчан ва қатъиятли. Ахборот-библиография бўлимига китобхонлар томонидан келиб тушган сўровларни, ахборотларни тезкор, сифатли қидириш, топиш ва ўз эгаларига етказиш борасида ҳамкасларига ўрнак бўларли даражада фаолият олиб боради.

В.Муратова ўзига тегишли мажбуриятлардан ташқари, жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этади. Унинг меҳнатсеварлиги,adolatparvarлиги ҳамда бошқа бир қатор ижобий фазилатлари туфайли уни «Bilim» АҚМ жамоаси касаба ўшмаси раислигига тавсия этган ва у узоқ йиллардан бери бу масъулиятли вазифани адо этиб келади.

Маълумки, ахборот-кутубхона марказига келиб тушаётган оғзаки, ёзма сўровларни тезкорлик билан самарали бажарилишида бевосита ахборот-библиография бўлими хизматига таянилади. Бўлимда ўлкашуносликка оид адабиётлар сектори мавжуд бўлиб, ўлкашунослик бўйича нашр этилган адабиётлар, турли типдаги ахборотларни тарғиб қилади. АҚМ ахборот библиография бўлими мутахассисларга, кенг ахолига, шунингдек, барча кутубхона фойдаланувчиларига мақолаларнинг системали картотекаси, ўлкашунослик картотекаси, долзарб мавзуулар бўйича мавзуули картотекалар тузиб, электрон маълумотлар базасини ташкил қилган ҳолда хизмат кўрсатади. Бу эса ўз навбатида китобхонларга зарурий адабиётларни, тезкор ахборотларни излаб топиш ва фойдаланишда қулайликлар яратади. Дарҳақиқат, ахборот-библиографик хизматнинг





тўғри, аниқ ташкил қилинганлиги унинг самародорлигини белгилаб беришда ва китобхонлик маданиятини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

Фойдаланувчиларга янада қулай имконият, тез ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида илмий-услубият ва ахборот-библиография бўлими томонидан рус тилида “Наука в фокусе” мавзусида библиографик кўрсаткич, “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ” мавзусида тавсиявий адабиётлар рўйхати, 1 октябрь – Устоз ва мураббийлар кунига “Таъзим сизга устоз ва мураббийлар”, биринчи Президентимиз И.Каримов асарлари тарғиботига оид “Юксак маънавият – енгилмас қуч” мавзусида адабиётларнинг тавсиявий рўйхати, “Тарихи бой, бугуни гўзал, келажаги буюк шаҳар” мавзусида библиографик кўрсаткич, “Фойдаланувчиларга библиографик ўқишлиарнинг инновацион ғоялари”, “Маълумот-библиография аппаратининг структураси ва функциялари”, рус тилида “Библиографические базы данных”, “КаДаTa – кутубхоналарни ахборотлаштириш дастурий таъминоти”, “Кутубхоналарро абонемент таркиби ва вазифаси” мавзусидаги услубий-библиографик кўлланма-

ларнинг ишлаб чиқилиши ва Тошкент шаҳридаги барча ахборот-кутубхона муассасалари ходимларига етказилаётганида В.Муратованинг салмоқли ҳиссаси бор.

Винера Қудузовна нафақат кутубхоначи, моҳир библиограф, балки ўз соҳаси хақида тўлиб-тошиб ёзишни хуш кўрадиган қалам соҳиби ҳамдир. Соҳамиз минбари ҳисобланган “Kutubxona.uz” ва “Infolib” журналларида “Қулай ахборот мактаби”, “Кутубхона ўз олдига қўйилган мақсад сари”, “«Bilim»: шарафли юбилейингни нишонлаймиз” каби мақолалари фикримизга далилдир. Қолаверса у “Вечерний Ташкент”, “Правда Востока” газеталарининг ҳам доимий ҳамкори ҳисобланади.

Винера Муратова тажрибали мутахассис ғайратли, меҳнатсевар, масъулиятли, ўзига талабчан, ҳар бир ишга илмий ва ижодий ёндашадиган, барча қийинчиликларни енгиб, топшириқни самарали натижага олиб келишни таъминлайдиган кучли ходим сифатида ўз ўрнига эга. Ушбу фазилатлар унинг аллақачон устоз мақомига етганидан дарак беради. Энг қувонарлиси – бу хислатлар касбдошларига, айниқса ёшларга намуна бўлиб хизмат қиласди.

**Ҳафиза КАРИМОВА,**  
Тошкент шаҳар «Bilim»  
ахборот-кутубхона маркази директори

